

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА
БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.B.01.13 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АБДУЛЛАЕВА МАШХУРА ИКРОМЖОНОВНА

**ЭТАНОЛ БИЛАН ЗАҲАРЛАНИШДА БОШ МИЯДА
НЕЙРОМЕДИАТОР СИСТЕМАСИНИНГ БУЗИЛИШИ ВА УНИ
ЎСИМЛИК ПРЕПАРАТЛАРИ БИЛАН ДАВОЛАШ**

03.00.01 – Биокимё

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Абдуллаева Машхура Икромжоновна

Этанол билан захарланишда бош миёда нейромедиатор системасининг бузилиши ва уни ўсимлик препаратлари билан даволаш..... 3

Абдуллаева Машхура Икромжоновна

Нейромедиаторные системы головного мозга при отравлении этанолом и возможности их коррекции препаратом растительного происхождения 21

Abdullayeva Mashhura Ikromjonovna

Neurotransmitter system of the brain with ethanol poisoning and the possibility of their correction with plant origin preparations 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА
БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.B.01.13 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АБДУЛЛАЕВА МАШХУРА ИКРОМЖОНОВНА

**ЭТАНОЛ БИЛАН ЗАҲАРЛАНИШДА БОШ МИЯДА
НЕЙРОМЕДИАТОР СИСТЕМАСИНИНГ БУЗИЛИШИ ВА УНИ
ЎСИМЛИК ПРЕПАРАТЛАРИ БИЛАН ДАВОЛАШ**

03.00.01 – Биокимё

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/В177 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.ibb.uz ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Иноятова Феруза Хидоятовна
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юлдашев Носир Мухамеджанович
биология фанлари доктори, профессор

Ибрагимов Зафар Зокиржонович
биология фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:

ЎЗР ФА Биоорганик кимё институти

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети Биофизика ва биокимё институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.В.01.13 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси 174 уй (Ўзбекистон Миллий университети, Кимё факультети биноси 4-қавати). Тел.: (99871) 246–68–96.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институти Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси 174 уй. Тел.: (99871) 246–68–96, e-mail: ibb-nuu@mail.ru.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Сабиров Равшан Заирович
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., академик

Асраров Музаффар Исламович
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.д., профессор

Кадирова Дилбар Абдуллаевна
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Инсоният минг йилдан ортиқ вақт мобайнида алкоголь истеъмол қилади ва алкоголь ҳозирги кунда ер юзида энг кўп истеъмол қилинувчи психоактив моддаларга киради. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг фикрига кўра, кўплаб беморларда алкоголизм касаллиги қайд қилинган бўлиб, тахминларга кўра беморлар сони яна ортиши мумкин. Сўнгги йилларда алкоголизм кенг тарқалиб бораётган ҳам тиббий, ҳам ижтимоий жиҳатдан долзарб ҳисобланган касаллик бўлиб, алкоголь истеъмол қилиш туфайли турли касалликларни келиб чиқиш даражасининг кескин ортиши кузатилмоқда. Бу ҳолатнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари биринчи ўринда туради. Сурункали алкоголь истеъмол қилишнинг организмга захарли таъсир механизмларини хужайравий ва молекуляр даражада аниқлаш ҳамда унинг токсик таъсирини камайтирувчи самарали дори воситаларини яратиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда дунё миқёсида алкоголизмга қарамликни, бош мия ва бошқа аъзоларни шикастланишини эрта ташхислаш ва этанолнинг токсик таъсирини коррекция қилишда ўсимликлардан ажратиб олинган фармакологик бирикмаларни амалиётга тадбиқ этишга ва даво муолажаларини такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишларга катта эътибор берилган. Нейромедиаторлар тизимининг бузилиши ва этанол таъсирида нейроиммун жараёнларнинг жадаллашишининг салбий оқибатлари ўрганилмоқда. Мия фаолиятининг бузилишида жигарнинг аҳамияти катта бўлиб, жигар фаолиятини тиклаш орқали этанолнинг салбий таъсиротларини камайтириш мумкинлиги сабабли ўсимликлардан олинган зарарсиз гепато- ҳамда нейропротектор хусусиятга эга бўлган дори воситаларини этанол таъсирида жигар ва мия шикастланишларини коррекциясида қўллаш ва амалиётга тадбиқ этиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Уларнинг молекуляр механизмларини ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолини маҳаллий хом ашёлари асосида олинган арзон ва юқори сифатли дори-дармон ва импорт ўрнини босувчи дори воситалар билан таъминлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4-ўналишида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш» юзасидан муҳим вазифалар белгиланган¹. Бу борада, маҳаллий хом ашёлар асосида фаоллиги чет эл аналогларидан қолишмайдиган янги дори воситаларини яратиш ҳисобига аҳолини арзон фармацевтика маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489-сонли «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора тadbирлари тўғрисида»ги қарори, 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сонли «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора тadbирлари тўғрисида»ги қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тadbқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тadbқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тadbқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижлик олимлар томонидан сурункали алкохол интоксикацияси ривожланиши, алкохол таъсирида жигар ва бош мия шикастланишлари, айрим нейромедиаторлар тизими ва метаболизмнинг бузилиши молекуляр механизмлари ва шунингдек алкоголизмни гепатопротекторлар, нейропротекторлар ва нейромедиаторлар рецепторлари антагонистлари ёки агонистлари билан даволаш йўллари ўрганилган. Ушбу соҳадаги тadbқиқотлар хорижлик олимлар Y. Guo (China), Ila Sh. (India), Erukainure O.L. (Nigeria), Girdhari L.G. (India), Majid M. (Iran), Avi Sh. (New Jersey), Ch.Cui (USA), Nora D.V. (USA), Karina P.A. (USA) ва бошқалар томонидан ривожлантирилган.

МДХ мамлакатларида Анохина П.К. ва Анохина И.П. томонидан дофаминергик нейромедиаторлар тизими бузилиши ва алкохолга қарамликни даволаш учун янги фармакологик препаратларни экспериментал қидириш бўйича тadbқиқотлар олиб борилган. Лелевич С.В. эса алкохол интоксикациясида метаболик ва бош мияда нейромедиаторлар миқдорий ўзгариши билан борадиган бузилишларни экспериментал асослаб берган. Халютин Д.А. этанол билан захарланишда жигар ва мия шикастланишлари молекуляр механизмлари ва пептид табиатли препаратлар билан даволаш бўйича тadbқиқотлар олиб борган. Цыбикова Е.А. ва Давыдова Т.В. алкохолга қарамликда содир бўладиган нейроиммун бузилишларни ёритиб беришган.

Бизнинг мамлакатимизда Ашуров З.Ш. хулқ-атвори оғир беморларда гиёҳвандлик ва алкоголизмнинг клиник хусусиятларини аниқлаш мақсадида тadbқиқотлар олиб борган. Носиров Қ.Э. раҳбарлигида алкоголизм ва унга боғлиқ асоратларни даволаш ҳамда профилактика қилиш йўналишида илмий изланишлар бажарилган. Лекин мамлакатимизда сурункали алкохол интоксикациясида жигар ва мия шикастланишининг молекуляр механизмлари, нейромедиаторлар тизими ва нейроиммун бузилишлар ва уларни эрта ташхислаш, ҳамда аниқланган ўзгаришларни коррекцияловчи ўсимликдан олинган биологик фаол моддаларни аниқлаш бўйича кам сонли тadbқиқотлар амалга оширилган. Шу сабабдан ушбу илмий тadbқиқотларни амалга ошириш алкохолга қарамлик ва унинг асоратларни даволашда янги

самарали дори воситаларини яратиш учун муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Экспериментал қандли диабет ривожланишининг молекуляр-ҳужайравий механизми ва алкоголь интоксикацияси ва уни даволаш усуллари» (2014-2018 й.й.) доирасида бажарилган, давлат қайд рақами 01.010073.

Тадқиқотнинг мақсади этанол билан заҳарланиш шароитида бош мия нейромедиатор фаолияти бузилишларининг баъзи механизмларини аниқлаш ва уларни ўсимлик препаратлари билан коррекциялашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

сурункали алкоголь билан заҳарланиш шароитида нейрофиламентар омил (NF-200), глиал фибриляр кислотали оксил (GFAP), миелиннинг асосий оксили (MBP), потенциалга боғлиқ калций каналлари (VGCC) ва Мура оксили (S100β) каби нейроспецифик оксилларга нисбатан нейротроп аутоантитаначалар кўрсаткичларини аниқлаш;

сурункали алкогольли заҳарланиш шароитида глутамат (Глу-Р), дофамин (DA-Р), ГАМК (ГАМК-Р), опиат (м-ОР), β-эндорфин (Р-β-энд), серотонин (Сер-Р) ва ацетилхолин (Хол-Р) каби бош мия нейромедиаторлари рецепторларига нисбатан иммунореактив аутоантитаначалар кўрсаткичларини аниқлаш;

сурункали этанол билан заҳарланиш шароитида бош миянинг турли соҳаларида липидларнинг пероксидланиш маҳсулоти - МДА миқдори ва каталаза фаоллигини динамикада аниқлаш;

этанол билан заҳарланиш шароитида бош мия нейромедиаторлари рецепторлари ва нейроспецифик оксиллар фаолияти бузилишларини коррекциялашда ўсимлик препаратлари таъсирини аниқлаш;

алкоголли заҳарланиш шароитида бош мия ва жигарда гиперлипипероксидацияни коррекциялашда ўсимлик препаратлари таъсирини аниқлаш;

сурункали алкоголь интоксикациясида метаболик жараёнлар бузилишлари ва жигар шикастланиши синдромларини коррекциялашда ўсимлик препаратлари таъсирини тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўсимлик препаратлари карсил ва проантацианидинлар (шартли номи *геранил*), вазни 180-220 грамм бўлган интакт каламушлар ва сурункали алкоголь интоксикацияси моделлаштирилган каламушлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида сурункали алкоголь интоксикация шароитида проантацианидин ва карсил препаратининг таъсирини аниқлаш учун қон зардоби, бош мия ва жигар гомогенати олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишини бажариш давомида белгиланган вазифаларга мос ҳолда замонавий биокимёвий, иммунофермент ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали этанол билан захарланиш шароитида нейроспецифик оксилларга (NF-200, GFAP, S-100, MBP ва VGCC) нисбатан аутоантитаначалар кўрсаткичларини пасайишига проантацианидин ва карсилнинг коррекцияловчи таъсири исботланган;

сурункали алкохол интоксикацияси шароитида бош мия нейромедиаторлари рецепторларига (Глу-Р, ГАМК-Р, Доф-Р, Сер-Р, м-ОР, Р-β-энд и Хол-Р) нисбатан аутоантитаначалар кўрсаткичларининг ортиши ва унга проантацианидин ва карсилни коррекцияловчи таъсири исботланган;

бош миянинг турли соҳаларида липидларни перекисли оксидланиш маҳсулоти - МДА кўпайиши ва каталаза фаоллигининг пасайиши этанол билан захарланиш давомийлигига боғлиқлиги аниқланган;

сурункали алкохол интоксикацияси моделида бош мия ва жигарда гиперлипопероксидацияни, ҳамда жигар шикастланиши синдромларини коррекциялашда проантацианидиннинг самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сурункали этанол билан захарланиш шароитида нейроиммун дисрегуляция ва нейродегенератив жараёнларни эрта ташхислаш мақсадида ЭЛИ-Н-тестдан фойдаланиш учун тавсиялар ишлаб чиқилган;

сурункали алкохол билан захарланиш шароитида карсил ва проантацианидинларни жигар фаолиятини тиклаш билан бир қаторда бош мияда нейродегенератив жараёнларни коррекциялаш мақсадида қўллаш мумкинлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги статистик ишлов учун ҳайвонлар ва таҳлиллар миқдорининг етарлилиги, адекват усулларнинг қўлланилганлиги, бирламчи информацияни олиш ва қайта ишлаш учун кўп экспериментларда синалган усулларни қўлланганлиги ва олинган натижаларни бошқа мавжуд натижалар билан солиштирганлигига асосланган. Олинган натижалар мавжуд маълумотларга зид эмас. Натижаларни статистик ишловида Excell ҳамда OriginPro8,6 (OriginLab Corporation, АҚШ) дастурлар пакети қўлланилди. Назорат ва тажриба гуруҳидаги каламушлар ўртасидаги фарқ аниқланганда Стъудент муқаррарлик коэффициенти (t) ва фарқларнинг ишончлилиги кўрсаткичи (P) аниқланди. Олинган натижаларнинг ишончлилиги мутахассислар баҳолари ва уларнинг республика ва халқаро анжуманлардаги муҳокамаси тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сурункали алкохол интоксикациясида нейроспецифик оксиллар ва бош мия нейромедиаторлари рецепторларига нисбатан аутоантитаначалар миқдорининг ортиши билан борувчи нейроиммун дисрегуляциянинг ривожланишида жигар ва бош мияда гиперлипопероксидациянинг аҳамиятини тушунтириш ва бу жараёнларни фармакологик коррекциялаш механизмлари ҳақида назарий билимлар доирасини кенгайтириш билан изоҳланади.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти сурункали этанол билан

захарланиш шароитида янги проантацианидин билан бош мия шикастланиши ва нейромедиатор тизими бузилишларини фармакодинамик коррекциялашдан иборат бўлиб, ушбу бирикмалар асосида фармакологик коррекция мақсадида препаратлар ишлаб чиқишда тавсия этиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали этанол билан захарланиш шароитида бош мия шикастланиши молекуляр механизмларини ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

«Бош мия нейронлари рецептор аппарати шикастланишларини ЭЛИ-Н-тест ёрдамида аниқлаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 16.09. даги №8н-р/351 сонли маълумотномаси). Натижада ЭЛИ-Н тест ёрдамида нейродегенератив касалликларни эрта ташхислаш имконини берган;

Сурункали алкохол интоксикация моделида бош мия нейронлари рецептор аппарати шикастланишини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент давлат стоматология институтининг марказий илмий тадқиқот лабораторияси ва Тошкент фармацевтика институти амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 07.10. даги №8н-д/213 сонли маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши сурункали алкохол билан захарланишда нейроспецифик оксиллар ва нейромедиаторлар рецепторлари шикастланиш хавфини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, шулардан 3 та Республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган. Шунингдек 1 та услубий тавсиянома тасдиқланган ва чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 102 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий этиш асослари келтирилган, нашр

қилинган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Этанол билан захарланиш муаммосининг ҳозирги ҳолати**» деб номланган биринчи бобида ушбу тиббий муаммонинг назарий жиҳатлари бўйича адабиётларда мавжуд маълумотлар таҳлил қилинган. Адабиётлар шарҳида этанолни органлар тизимига таъсири, этанол метаболизмининг бузилиш механизмлари, бош миёга этанол таъсирининг умумий хусусиятлари, этанол билан захарланишда нейромедиатор тизими бузилиши эҳтимоллик механизмлари, алкоғолли шикастланишни даволаш тамойиллари бўйича замонавий адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган, муаммонинг очилмаган ва аниқлаштиришни талаб этувчи жиҳатлари белгиланган.

Диссертациянинг «**Алкоғолли захарланиш ривожланишида нейромедиатор тизимининг бузилиши ролини баҳолаш ҳамда даволашнинг замонавий методологияси ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида олдинга қўйилган мақсад ва белгиланган вазифаларга кўра тадқиқотда қўлланилган материал ва методларнинг умумий тавсифи батафсил ёритиб берилган. Тадқиқотларда меъёр ва алкоғол интоксикацияси шароитида нейроспецифик оксиллар (GFAP, S-100, VGCC, NF-200 и MBP) ва нейромедиаторлар рецепторларига (Глу-Р, ГАМК-Р, ДА-Р, Сер-Р, м-ОР, Р-β-энд и Хол-Р) нисбатан аутоантитаначалар кўрсаткичларини тадқиқ этувчи иммунофермент таҳлил усуллари, бош миёда ва жигар гомогенатида МДА миқдори ва каталаза фаоллиги, шунингдек, жигар синдромларини ташхисловчи биокимёвий кўрсаткичларни ўзгаришини тадқиқ этувчи биокимёвий усуллар ёритилган.

Тажрибалар «Тажриба ва бошқа илмий мақсадларда фойдаланиладиган умуртқали ҳайвонларни муҳофаза қилиш Европа конвенцияси»га мувофиқ (Страсбург, 1985) оддий лаборатория рационида яшовчи 180-220 грамм оғирликдаги оқ, зотсиз каламушларда ўтказилган. Сурункали алкоғол интоксикацияси модели этанолнинг 25% ли эритмасини каламушлар ошқозонига 10 мл/кг миқдорида 28 кун мобайнида юбориш орқали чақирилди. Тажрибалар икки босқичда амалга оширилган. Тажрибаларни биринчи босқичида 28 кун давомида этанолнинг 25% ли эритмасини каламушлар ошқозонига 10 мл/кг миқдорида юборилган. Иккинчи босқичда каламушларнинг 28 кун мобайнида алкоғол билан захарланган каламушларда ЎЗР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти ходимлари томонидан ажратиб олинган проантацианидинли бирикма ва карсил препарати билан фармакотерапияси самарадорлиги ўрганилди. 21-кундан бошлаб сурункали алкоғол интоксикацияси моделлаштирилган каламушлар даво муолажаларига боғлиқ равишда 3 гуруҳга ажратилди: 1-тажриба гуруҳидагиларга этанол, 2-тажриба гуруҳига 100мг/кг миқдорида проантацианидин ва 3-тажриба гуруҳига 100мг/кг миқдорида карсил препарати берилган.

Натижаларнинг статистик ишловида Excel ҳамда OriginPro8,6 (OriginLab Corporation, АҚШ) дастурлар пакети қўлланилган. Назорат ва тажриба гуруҳидаги каламушлар ўртасидаги фарқ аниқланганда Стъудент

муқаррарлик коэффициентлари (t) ва фарқларнинг ишончлилиги кўрсаткичи (P) аниқланган.

Диссертациянинг «Этанол билан захарланиш ривожланишида бош миёда липидларнинг перекисли оксидланиш жараёнлари ва нейромедиатор тизимининг бузилишларини тадқиқ қилиш» деб номланган учинчи бобда сурункали алкоголь интоксикациясида экспериментал хайвонларда динамикада қон зардобида нейроспецифик оксиллар ва нейромедиаторлар рецепторларига нисбатан аутоантитаначалар кўрсаткичлари, бош миёнининг яримшар, таламус, ўзак соҳаларида липопероксидланиш жараёнлари жадаллиги ва каталаза фаоллигини аниқлаш бўйича натижалар келтирилган. Тадқиқотларда токсикантнинг кириш вақти ўтган сайин нейроспецифик оксилларга нисбатан аутоантитаначалар кўрсаткичлари ишончли ортиб бориши аниқланди (1 жадвал). Кўрсаткичларнинг интакт каламушларга нисбатан ишончли ортиши этанол билан захарланишнинг 14-кунда аниқланди ва энг кўп ўзгариш токсикантни киритилишининг 28-кунда қайд қилинди. Жумладан, NF-200 оксидига нисбатан аутоантитаначалар кўрсаткичлари тажрибанинг 7-, 14-, 21- ва 28-кунларида мос равишда 1,21; 1,65; 2,11 ва 2,80 маротаба, GFAP оксидига нисбатан 1,44; 2,03; 2,72 ва 4,07 маротаба, MBP оксидига нисбатан 1,1; 1,26; 1,52 ва 1,7 маротаба, S-100 оксидига нисбатан 1,31; 1,81; 2,44 ва 3,3 маротаба, VGCC оксидига нисбатан 1,45; 1,86; 2,37 ва 3,26 маротаба интакт гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ортиши аниқланди. Олинган натижаларга кўра, этанол билан захарланишда эрта ва кескин ўзгаришлар GFAP ва S-100 оксиллари учун тегишли бўлди.

1 жадвал.

Этанол билан захарланиш моделида нейроспецифик оксилларга нисбатан аутоантитаначалар кўрсаткичлари (ш.б), $M \pm m$, $n=6$

Нейроспецифик оксиллар	Тажриба гуруҳлари ва муддати				
	Интакт	7-кун	14-кун	21-кун	28-кун
NF-200	5,27±0,32	6,39±0,18 P<0,01	8,67±0,52 P<0,001	11,12±0,32 P<0,001	14,76±0,60 P<0,001
GFAP	3,87±0,24	5,58±0,25 P<0,001	7,85±0,38 P<0,001	10,55±0,35 P<0,001	15,76±0,62 P<0,001
S-100	5,21±0,37	6,85±0,31 P<0,01	9,43±0,42 P<0,001	12,71±0,31 P<0,001	17,26±0,48 P<0,001
MBP	14,83±0,53	16,35±0,26 P<0,05	18,69±0,39 P<0,001	22,58±0,28 P<0,001	25,20±0,50 P<0,001
VGCC	2,45±0,21	3,60±0,15 P<0,001	4,56±0,27 P<0,001	5,81±0,13 P<0,001	7,99±0,45 P<0,001

Изоҳ: P - интакт гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ишончлилиги.

Сурункали этанол билан захарланишда нейромедиаторлар рецепторларга нисбатан ауто-АТ миқдорини аниқлаш натижаларига кўра, захарланиш муддатига боғлиқ равишда аутоантитаначалар миқдори ишонarli ортади (2 жадвал). Энг кучли ўзгаришлар глутамат, ГАМК ва

дофамин рецепторларига нисбатан аниқланди. Жумладан, Глу-Рга нисбатан ауто-АТ кўрсаткичларининг тажрибанинг 7-кунида 1,12 марта, 14-кунида 1,39 марта, 21-кунида 2,18 марта ва 28-кунида эса ауто-АТ кўрсаткичларининг интакт гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан сезиларли 5,75 маротаба ортиши қайд қилинди. ГАМК-Рга нисбатан ауто-АТ кўрсаткичлари тажрибанинг 7- кунида 1,2 маротаба, 14-кунида 1,63 маротаба кўтарилди. Кейинги муддатларда 2,83 (21-куни) ва 5,99 (28-куни) маротаба ортади. Шунга ўхшаш ўзгаришлар ДА-Рга нисбатан ҳам аниқланиб, ауто-АТлар кўрсаткичлари тажрибанинг 7-, 14-, 21- ва 28- кунлари мос равишда 1,15; 1,63; 2,96 ва 5,79 маротаба ортади. Сер-Рга нисбатан ауто-АТ миқдори тажрибанинг 7-, 14-, 21- ва 28-кунларида тажриба ҳайвонларида интакт гуруҳ ҳайвонларига нисбатан мос равишда 1,15; 1,33; 2,1 ва 4,17 маротаба ортиши қайд қилинди. М-ОРга нисбатан ауто-АТ миқдори интакт гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 1,37; 1,95; 2,81 ва 3,91 маротаба ортиши аниқланди. Р-β-эндорфинларга нисбатан ауто-АТ кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси шунга ўхшаш бўлиб юқорида қайд этилган муддатларда 1,28; 1,68; 2,41 ва 3,92 маротаба ортиши аниқланди. Холин рецепторларига нисбатан ауто-АТ кўрсаткичлари тажрибанинг 7-, 14-, 21- ва 28-кунларида эса уларнинг миқдори мос равишда 1,14; 1,55; 2,18 ва 3,72 маротаба интакт гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ортди.

2-жадвал

Этанол билан заҳарланиш моделида нейромедиаторлар рецепторларига нисбатан аутоантитаначалар кўрсаткичлари (ш.б), $M \pm m$, $n=6$


Рецепторлар	Тажриба гуруҳлари ва муддати				
	Интакт	7-кун	14-кун	21-кун	28-кун
Глу-Р	1,79±0,06	2,02±0,06 P<0,05	2,5±0,08 P<0,001	3,9±0,13 P<0,001	10,30±0,29 P<0,001
ГАМК-Р	1,27±0,07	1,53±0,08 P<0,05	2,07±0,06 P<0,001	3,6±0,13 P<0,001	7,61±0,17 P<0,001
ДА-Р	1,22±0,07	1,41±0,06 P<0,05	1,99±0,08 P<0,001	3,62±0,14 P<0,001	7,07±0,13 P<0,001
Сер-Р	1,93±0,06	2,22±0,07 P<0,01	2,56±0,09 P<0,001	4,05±0,12 P<0,001	8,06±0,15 P<0,001
м-ОР	1,03±0,06	1,41±0,07 P<0,001	2,01±0,06 P<0,001	2,9±0,10 P<0,001	4,03±0,11 P<0,001
Р-β-энд	1,07±0,06	1,37±0,04 P<0,001	1,8±0,06 P<0,001	2,58±0,09 P<0,001	4,20±0,14 P<0,001
Хол-Р	1,09±0,06	1,25±0,04 P<0,01	1,69±0,09 P<0,001	2,38±0,11 P<0,001	4,06±0,11 P<0,001

Изоҳ: Р - интакт гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ишончилилик.

Бизнинг тадқиқотларда аниқланган алкохол билан заҳарланишда нейромедиаторлар рецепторларига ва нейроспецифик оксилларга нисбатан аутоантитаначаларнинг кўп ишлаб чиқилиши ушбу касалликда нейроиммун ўзаро таъсирларнинг дисрегуляцияси, нейромедиатор тизими бузилишлар механизмида иммун тизимнинг иштироки ҳақида дарак беради. Бундан

ташқари, этанолнинг шикастловчи таъсир механизми остида нерв хужайралари мембранасида эркин радикаллар ҳосил бўлиш жараёнининг жадаллашиши ётади.


Бу мақсадда амалга оширилган тадқиқотда олинган натижаларга кўра, сурункали этанол билан заҳарланиш шароитида бош миянинг турли соҳаларида ЛПО жараёнларининг жадаллашуви аниқланди (1-расм). Бош мия катта яримшарлари гомогенатида тажрибанинг 7- ва 14-кунларида МДА миқдори сустроқ 4,08% ва 4,66% га, 21- ва 28-кунларида эса статистик ишонарли 16,55% ва 21,09% га ортиши аниқланди. Худди шундай ўзгаришлар таламусда ҳам кузатилди. МДА миқдори таламус соҳасида тажрибанинг 7- ва 14-кунларида 2,80% ва 3,59% га, 21- ва 28-кунларида эса 4,15% ва 27,35% га интакт каламушлар кўрсаткичларига нисбатан ортди. Бош мия ўзагида эса МДА миқдори тажрибанинг 7-, 14-, 21- ва 28-кунларида мос равишда ишонарли 12,5%; 24,87%; 26,04% ва 51,43% га ортиб борди.



1-расм. Сурункали этанол билан заҳарланиш моделида бош миянинг турли қисмларида МДА миқдори, $M \pm m$; $n=6$

Этанол билан заҳарланган каламушларда антиоксидант тизим фаолиятида дисбаланс кузатилиши ҳам тажрибамизда исботланди. Этанол билан заҳарланиш моделида бош миянинг турли қисмларида антиоксидант тизим ферментларидан бири бўлган каталаза фаоллигини ўзгариши қайд этилди (2-расм). Жумладан, яримшарларда тажрибанинг 7-кунида фермент фаоллашишига мойиллик кузатилган бўлса, кейинги муддатларда каталаза фаоллиги пасая бошлади ва тажрибанинг 14-кунида сустроқ 7,41% га, 21- ва 28-кунларида эса статистик ишонарли 28,57% ва 46,56% га интакт ҳайвонлар кўрсаткичларидан паст бўлди. Шунга ўхшаш ўзгаришларни биз таламусда ҳам кузатдик ҳамда тажрибанинг 7-кунида каталаза фаоллиги 6,92% кўтарилган бўлса, 7-, 21- ва 28- кунларида 5,88%; 27,33% ва 44,98%га интакт гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан паст бўлди. Мия ўзагида каталаза фаоллиги тажрибанинг 7-кунида статистик ишонарли меъёрий кўрсаткичларга нисбатан 17,4% га кўтарилган бўлса, кейинчалик унинг фаоллиги пасайиб борди, лекин тажрибанинг 14-кунида 13,04% га интакт гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан юқорилигича сақланиб қолди, 21- ва 28-

кунларида эса фермент фаоллиги ишонарли 18,36% ва 38,65% га интакт гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан паст бўлди.



2-расм. Сурункали этанол билан захарланиш моделида бош мианинг турли қисмларида каталаза фаоллиги, $M \pm m$, $n=6$

Каталаза ферментини компенсатор имкониятларини тушунтириш учун каталаза фаоллигини МДА миқдорига нисбатини таҳлил қилдик. Ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, бош мианинг барча соҳаларида тажрибанинг эрта муддатида (этанол билан захарланишнинг 7-, 14-кунлари) перекисли бирикмаларни зарарсизлантиришда каталазанинг компенсатор имкониятларини сақланиши ва интакт гуруҳ кўрсаткичлардан фарқланмаслиги аниқланди. Аммо тажрибанинг сўнги муддатларида (21- ва 28- кунлари) унинг имкониятлари кескин пасайди: яримшарларда интакт ҳайвонларда $0,219 \pm 0,006$ ташкил қилган бўлса, этанол қабул қилган гуруҳда тажрибанинг 21- ва 28-кунларида $0,135 \pm 0,011$ ва $0,097 \pm 0,006$ гача пасайди, таламусда интакт ҳайвонларда $0,326 \pm 0,019$ бўлса, тажриба гуруҳларида $0,228 \pm 0,021$ ва $0,140 \pm 0,012$ ни ташкил этди, миё ўзагида эса интакт ҳайвонларда $0,271 \pm 0,018$ бўлса, этанол қабул қилган гуруҳларда юқоридаги муддатларга мос равишда $0,175 \pm 0,013$ ва $0,110 \pm 0,006$ гача камайди.

Олинган натижаларга кўра сурункали алкоголь интоксикацияси шароитида бош миёда каталазанинг компенсатор имкониятлари камайиши ва ЛПО маҳсулотларининг ортиши кузатилади. Каталаза фаоллигининг пасайиши эса уни ацетальдегид томонидан модифицирланишига боғлиқ. Таъкидлаш керакки, этанол пассив диффузия йўли билан организмнинг барча тўқималарига жуда тез ўта олади, миёда унинг концентрацияси қондаги миқдоридан юқори бўлади. Сурункали этанол қабул қилиш жигарда цитохром P-450 монооксиганеза системасини фаоллаштиради, натижада кўпмикдорда ацетальдегид ҳосил бўлибгина қолмай, кўп миқдорда кислороднинг фаол шакллари тўпланади ва бош миёда ЛПО жараёнининг жадаллашуви ГЭТ ўтказувчанлигининг ортишига, мембрана структураларининг бузилишига олиб келади. Бу бизнинг тадқиқотларда нейроспецифик оксиллар ва нейромедиаторлар рецепторларига нисбатан

ауто-АТ миқдорининг ортиши билан исботланади. Бизнинг фикримизча, аутоантитаначалар кўрсаткичларининг ўзгариши нерв тўқимаси специфик структурасидаги бузилишларининг эрта белгиларидандир.

Диссертациянинг «Сурункали алкоголь интоксикациясида липидларнинг перекисли оксидланиши, баъзи метаболик жараёнлар ва нейромедиатор тизимининг бузилишларини тиклаш» деб номланган тўртинчи бобида алкоголь интоксикациясида ўсимлик препаратларининг самарадорлигини аниқлаш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Тадқиқот натижаларига кўра, ўсимлик препаратларини нейроспецифик оксилларга нисбатан ауто-АТлар юқори миқдорини пасайтириш орқали нейропротектив таъсир этиши қайд қилинди (3-жадвал). Проантацианидин билан даволанган гуруҳларда NF-200, GFAP, S-100 MBP ва VGCC каби нейроспецифик оксилларга нисбатан аутоантитаначалар кўрсаткичлари даволанмаган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан мос равишда 35,11%; 65,48%; 49,53%; 28,38% ва 48% пасайди. Бу ижобий ўзгаришларга қарамадан бу кўрсаткичлар интакт гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан мос равишда 1,63; 1,65; 1,73; 1,3 ва 1,75 марта юқорилигича сақланиб қолди. Карсил препарати билан даволанган гуруҳларда эса NF-200, GFAP, S-100, MBP ва VGCCларга нисбатан аутоантитаначалар миқдори ишонарли даволанмаган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 34,72%; 60,39%; 49,06%; 24,93%; ва 45,27% пасайди. Таъкидлаш керакки, бу кўрсаткичлар юқоридаги даволанган гуруҳниқидан сезиларли фарқ қилмади, лекин меъерий кўрсаткичлардан мос равишда 1,64; 1,89; 1,74; 1,36 ва 1,84 марта юқори эканлиги аниқланди.

5-жадвал.

Сурункали алкоголь билан захарланиш моделида ўсимлик препаратларининг нейроспецифик оксилларга нисбатан аутоантитаначалар кўрсаткичларига таъсири (ш.б), $M \pm m$, $n=6$

Нейроспецифик оксиллар	Тажриба гуруҳлари			
	Интакт	Алкоголли захарланган каламушлар	Даволанишдан кейин	
			проантацианидин	Карсил
NF-200	5,07±0,25	12,76±0,17 $P_1 < 0,001$	8,28±0,45 $P_1 < 0,001$ $P_2 < 0,001$	8,33±0,32 $P_1 < 0,001$ $P_2 < 0,001$
GFAP	3,05±0,23	14,57±0,29 $P_1 < 0,001$	5,03±0,14 $P_1 < 0,001$ $P_2 < 0,001$	5,77±0,18* $P_1 < 0,001$ $P_2 < 0,001$
S-100	4,96±0,18	16,96±0,07 $P_1 < 0,001$	8,56±0,13 $P_1 < 0,001$ $P_2 < 0,001$	8,64±0,16 $P_1 < 0,001$ $P_2 < 0,001$
MBP	13,44±0,19	24,34±0,36 $P_1 < 0,001$	17,43±0,24 $P_1 < 0,001$ $P_2 < 0,001$	18,27±0,18 $P_1 < 0,001$ $P_2 < 0,001$
VGCC	2,04±0,16	6,87±0,42 $P_1 < 0,001$	3,57±0,19 $P_1 < 0,001$ $P_2 < 0,001$	3,76±0,19 $P_1 < 0,001$ $P_2 < 0,001$

Изоҳ: P_1 – интактга нисбатан, P_2 – даволанмаган гуруҳга нисбатан ишончилилик.

Нейромедиаторлар рецепторларига нисбатан аутоантитаначалар кўрсаткичларини аниқлаш тадқиқотлари шуни кўрсатдики, ўсимлик препаратлари билан даволанган гуруҳларда бу кўрсаткичларни ишонарли пасайиши аниқланди (4-жадвал). Проантацианидинлар билан даволанганда Глу-Р, ГАМК-Р, ДА-Р, Сер-Р, м-ОР, Р-β-энд ва Хол-Р нейромедиатор рецепторларига нисбатан аутоантитаначалар кўрсаткичи даволанмаган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан мос равишда 3,7; 3,37; 3,19; 2,77; 2,02; 2,26 ва 2,3 мартабага камайиши қайд қилинди. Лекин, бу кўрсаткичлар интакт гуруҳниқига нисбатан мос равишда 1,51; 1,46; 1,49; 1,49; 1,93; 1,69 ва 1,4 марта юқорилигича сақланиб қолди. Карсил препарати қўлланган гуруҳда даволанмаган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан юқорида қайд этилган нейромедиатор рецепторларига нисбатан аутоантитаначалар миқдорини 3,57; 3,7; 3,43; 2,70; 2,1; 2,37 ва 2,37 мартаба пасайишини кўрдик. Лекин ушбу кўрсаткичлар интакт гуруҳ кўрсаткичларидан мос равишда 1,44; 1,62; 1,6; 1,45; 2; 1,78 ва 1,42 марта юқори эканлиги аниқланди. Шуни айтиш жоизки, иккала даволанган гуруҳларда ҳам ўсимлик препаратларининг бир хил таъсир этишини аниқладик. Олинган натижалар проантацианидин ва карсил препаратлари нейропротектив таъсирга эга эканлигини кўрсатади.

4-жадвал.


Сурункали алкоголь билан захарланиш моделида ўсимлик препаратларининг нейромедиатор рецепторларига нисбатан аутоантитаначалар кўрсаткичларига таъсири (ш.б), $M \pm m$, $n=6$

Рецепторлар	Таъриба гуруҳлари			
	Интакт	Алкоголли захарланган каламушлар	Даволанишдан кейин	
			проантацианидин	карсил
Глу-Р	1,91±0,06	10,27±0,21 $P_1 < 0,001$	2,75±0,08 $P_1 < 0,001$ $P_2 < 0,001$	2,88±0,09 $P_1 < 0,001$ $P_2 < 0,001$
ГАМК-Р	1,38±0,06	7,52±0,18 $P_1 < 0,001$	2,23±0,1 $P_1 < 0,001$ $P_2 < 0,001$	2,01±0,09 $P_1 < 0,001$ $P_2 < 0,001$
ДА-Р	1,36±0,04	6,96±0,11 $P_1 < 0,001$	2,18±0,05 $P_1 < 0,001$ $P_2 < 0,001$	2,03±0,03 $P_1 < 0,001$ $P_2 < 0,001$
Сер-Р	1,98±0,06	7,97±0,11 $P_1 < 0,001$	2,88±0,09 $P_1 < 0,001$ $P_2 < 0,001$	2,95±0,12 $P_1 < 0,001$ $P_2 < 0,001$
м-ОР	1,06±0,05	4,30±0,10 $P_1 < 0,001$	2,12±0,11 $P_1 < 0,001$ $P_2 < 0,001$	2,05±0,08 $P_1 < 0,001$ $P_2 < 0,001$
Р-β-энд	1,13±0,06	4,54±0,11 $P_1 < 0,001$	2,01±0,07 $P_1 < 0,001$ $P_2 < 0,001$	1,91±0,08 $P_1 < 0,001$ $P_2 < 0,001$
Хол-Р	1,20±0,06	3,99±0,09 $P_1 < 0,001$	1,71±0,11 $P_1 < 0,001$ $P_2 < 0,001$	1,68±0,11 $P_1 < 0,001$ $P_2 < 0,001$

Изоҳ: P_1 – интактга нисбатан, P_2 – даволанмаган гуруҳга нисбатан ишончилилик.

Кейинги тадқиқотларимизда ўсимлик препаратларининг бош мия ва жигарда липидларнинг перекисли оксидланиш жараёнига ва каталаза фаоллигига таъсири ўрганилди (3-расм). Этанол билан заҳарланишда ўсимлик препаратларининг қўлланилиши бош мия ва жигарда ЛПО маҳсулоти МДА миқдорининг пасайиши ва каталаза фаоллигининг ортишига олиб келади. Жумладан, янги проантацианидин ва карсилни қўллаганимизда МДА миқдори бош мияда 1,39 ва 1,37 маротаба даволанмаган гуруҳга нисбатан камайди ва интакт гуруҳ кўрсаткичларига яқинлашди. Проантацианидин ва карсил билан даволаш жигар тўқимасида бу кўрсаткични даволанмаган гуруҳникига нисбатан 4 ва 3,75 маротаба камайтирди.

Мия ва жигар тўқимасида каталаза фаоллиги сурункали этанол билан заҳарланган каламушлар гуруҳида 1,57 ва 1,31 маротаба интакт гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан пасайган бўлса, даволанган каламушларда эса фермент фаоллиги интакт каламушлар гуруҳи кўрсаткичларига яқинлашганини кўрдик. Жумладан, проантацианидин ва карсилнинг киритилиши натижасида фермент фаоллигини даволанмаган каламушлар гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан жигарда 1,54 ва 1,51 маротаба; мияда эса 1,14 ва 1,08 маротаба ошиши қайд қилинди.



3-расм. Сурункали алкоғол интоксикацияси шароитида ўсимлик препаратларининг липидларнинг перекисли оксидланишига (А) ва каталаза фаоллига (Б) таъсири, $M \pm m$, $n=6$

Алкоғолнинг сурункали истеъмол қилиниши жигар циррози билан яқунланувчи стеатогепатоз ривожланишига ва метаболлик жараёнлар бузилишига олиб келади. Шу сабабдан, сурункали алкоғол интоксикациясида жигар шикастланиши синдромларини карсил ва проантацианидин билан коррекциялашни тадқиқ қилиш бўйича тажрибалар олиб борилди. Сурункали алкоғол билан заҳарланишда АлТ, АсТ, ИФ ва ГГТ ферментлари фаоллиги, билирубин фракциясининг бевосита билирубин ҳисобига кўтарилиши, шунингдек жигарда гликогенолиз ва глюконеогенез жараёнларининг бузилиши сабабли қонда глюкоза миқдорининг камайиши, кислороднинг фаол шакллари таъсири натижасида жигарнинг оксил синтезлаш функцияси бузилганлиги туфайли албумин миқдорининг камайиши, липопроteid

бирликларда липидларнинг перекисли оксидланиши туфайли конда умумий холестерин миқдорининг ортиши ҳисобига метаболик жараёнларнинг бузилиши аниқланди (5-жадвал).

5- жадвал

Сурункали алкоголь интоксикацияси шароитида ўсимлик препаратларининг биокимёвий кўрсаткичларга таъсири, $M \pm m$, $n=6$

Кўрсаткичлар	Тажриба гуруҳлари			
	Интакт	Алкоголли заҳарланган каламушлар	Даволанишдан кейин	
			проантацианидин	Карсил
АЛТ(ед/л)	74,28±1,69	138,62±4,81 $P_1 < 0,001$	75,92±1,97 $P_1 > 0,05$ $P_2 < 0,001$	87,75±2,44 $P_1 < 0,001$ $P_2 < 0,001$
АСТ(ед/л)	126,0±3,83	218,66±4,61 $P_1 < 0,001$	131,0±3,25 $P_1 > 0,05$ $P_2 < 0,001$	140,67±4,34 $P_1 < 0,05$ $P_2 < 0,001$
ГГТ(ед/л)	30,0±1,29	140,0±3,65 $P_1 < 0,001$	26,67±2,11 $P_1 > 0,05$ $P_2 < 0,001$	53,33±2,47 $P_1 < 0,001$ $P_2 < 0,001$
ИФ(ед/л)	230,85±11,54	340,92±12,54 $P_1 < 0,001$	274,67±7,9 $P_1 < 0,01$ $P_2 < 0,001$	284,72±10,42 $P_1 < 0,01$ $P_2 < 0,01$
Билирубин (мкмоль/л)	14,50±0,73	38,53±0,82 $P_1 < 0,001$	17,57±0,79 $P_1 < 0,05$ $P_2 < 0,001$	18,23±0,69 $P_1 < 0,01$ $P_2 < 0,001$
Бевосита(мкмоль/л)	2,68±0,26	21,68±0,67 $P_1 < 0,001$	4,87±0,26 $P_1 < 0,001$ $P_2 < 0,001$	4,9±0,29 $P_1 < 0,001$ $P_2 < 0,001$
Билвосита (мкмоль/л)	11,82±0,49	16,85±0,47 $P_1 < 0,001$	12,70±0,55 $P_1 > 0,05$ $P_2 < 0,001$	13,33±0,42 $P_1 < 0,05$ $P_2 < 0,001$
Умумий оқсил (г/л)	77,60±0,68	65,58±1,5 $P_1 < 0,001$	75,68±1,61 $P_1 > 0,05$ $P_2 < 0,001$	73,01±1,07 $P_1 < 0,001$ $P_2 < 0,05$
Албумин (г/л)	46,48±0,99	32,33±1,8 $P_1 < 0,001$	43,30±1,3 $P_1 > 0,05$ $P_2 < 0,001$	36,60±1,01 $P_1 < 0,001$ $P_2 < 0,05$
Глюкоза (ммоль/л)	5,51±0,29	3,65±0,19 $P_1 < 0,001$	4,85±0,23 $P_1 > 0,05$ $P_2 < 0,001$	4,41±0,14 $P_1 < 0,01$ $P_2 < 0,01$
Холестерин (мг/дл)	97,05±2,34	120,33±3,38 $P_1 < 0,001$	111,15±1,83 $P_1 < 0,001$ $P_2 < 0,05$	111,30±2,47 $P_1 < 0,001$ $P_2 < 0,05$

Изоҳ: P_1 – интактга нисбатан, P_2 – даволанмаган гуруҳга нисбатан ишончлилиқ.

Шундай қилиб, сурункали алкоголь интоксикациясида цитоллиз (трансаминазалар фаоллигининг ортиши, пигмент алмашинувининг бузилиши), холестаза (ишқорий фосфатаза ва ГГТ фаоллигининг ортиши,

холестерин миқдорининг ортиши), жигарнинг синтетик функцияси (конда глюкоза ва албумин миқдорининг камайиши) жараёнлари бузилиши аниқланди. Олинган натижалар этанол таъсирида жигарнинг структур-функционал имкониятлари бузилишидан далолат беради. Карсил ва проантацианидинни қўллаш натижасида пигмент алмашинуви, цитоллиз ва холестаза синдромлари маълум даражада пасайди. Шу билан биргаликда қон зардобиди глюкоза ва албумин миқдори ортиши ва жигарнинг синтетик функциялари тикланиши аниқланди. Қўлланилган проантацианидин моддасининг самараси нисбатан юқорироқ эканлиги маълум бўлди. Шунингдек, тадқиқотларда сурункали алкоголь интоксикациясида жигарнинг детоксикация функциясининг бузилиши (этаминал уйқу вақтининг $87,67 \pm 6,79$ дақиқадан $196,67 \pm 11,1$ дақиқагача яъни, 2,24 марта ортиши ($P < 0,001$)) ва жигар индексининг ортиши аниқланди. Проантацианидин ва карсил қабул қилган гуруҳларда этаминал уйқу вақтини даволанмаган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 2,22 ва 1,73 марта пасайиши, жигарнинг зарарсизлантириш функциясининг тикланиши аниқланди. Шунингдек, даволанган гуруҳларда жигар индекси ҳам интакт кўрсаткичларга яқинлашди. Олинган натижалар қўлланилган препаратларни гепатопротектив таъсирга эга эканлигидан дарак беради. Бизнинг фикримизга кўра, олиб борилган даволаш усулларининг самарадорлиги унинг мембранага барқарорлаштирувчи таъсир кўрсатиши, ЛПО жараёни ингибирланиши, организмнинг антиоксидант ҳолати даражаси ортиши билан боғлиқ ҳолда амалга ошади.

Шундай қилиб, олинган натижаларга кўра айтиш мумкинки, биофлавоноид карсил ва проантацианидинлар юқори нейропротектор ва гепатопротектор хусусиятларга эга. Уларнинг ижобий таъсири ЛПО-АОТ мувозанатини тиклаш орқали нейрцитлар ва гепатоцитлар мембранасига барқарорлаштирувчи таъсир кўрсатиши билан боғлиқ. Бу нафақат жигар шикастланиши синдромларининг пасайиши, балки нейромедиатор тизими оксиллари ва рецепторларига нисбатан аутоантитаначалар кўрсаткичларининг камайишига ҳам олиб келади. Бу эса нейроиммун яллиғланиш жараёнлари жадаллигини пасайишига ва нейромедиаторлар тизими фаолиятининг ҳам тикланишига олиб келади. Олинган натижалар карсил ва проантацианидинни нафақат гепатопротектор сифатида балки нейропротектор препарат сифатида қўллаш учун тавсия этиш имкониятини кўрсатади.

ХУЛОСАЛАР

“Этанол билан захарланишда бош миёда нейромедиатор системасининг бузилиши ва уни ўсимлик препаратлари билан даволаш” мавзусидаги биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясида ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Сурункали этанол билан захарланиш шароитида NF-200, GFAP, S-100 MBP ва VGCC каби нейроспецифик оксилларга нисбатан аутоантитаначалар

кўрсаткичлари аста-секин ортиб борди, айниқса тадқиқотнинг 28-кунда ушбу кўрсаткичлар мос равишда 2,80; 4,07; 3,30; 1,70 ва 3,26 мартаба ортиши ва энг кўп ўзгаришлар S-100 ва GFAP оқсилларига нисбатан аниқланди ($p < 001$).

2. Сурункали алкоголь интоксикацияси шароитида заҳарланишнинг барча муддатларида Глу-Р, ГАМК-Р, ДА-Р, Сер-Р, м-ОР, Р-β-энд ва Хол-Р нейромедиаторлар рецепторларига нисбатан аутоантитаначалар миқдори ортди ($p < 001$), айниқса глутамат, ГАМК ва дофамин рецепторларига нисбатан аутоантитаначалар кўрсаткичлари тадқиқотнинг 28-кунда интакт гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 5,75; 5,99 ва 5,79 мартаба ортиши аниқланди, бу эса бош мия нейромедиатор системаси фаолияти бузилишидан далолат беради.

3. Сурункали этанол билан заҳарланиш моделида этанол билан заҳарланиш давомийлигига боғлиқ равишда бош миянинг турли қисмларида ЛПО маҳсулоти – МДА миқдори ортиши, каталаза ферментининг фаоллиги пасайиши аниқланди ($p < 001$), хусусан бош мия яримшарларида МДА миқдори 21,09%, таламусда 27,35% ва ўзак соҳасида 51,43% ортди, каталаза фаоллиги эса мос равишда 46,56%; 44,98% ва 38,65% пасайди.

4. Сурункали этанол билан заҳарланиш моделида карсил ва проантацианидинларни қўллаш нейроспецифик оқсиллар (NF-200, GFAP, S-100 MBP ва VGCC) ва нейромедиаторлар (Глу-Р, ГАМК-Р, ДА-Р, Сер-Р, м-ОР, Р-β-энд ва Хол-Р) рецепторларига нисбатан аутоантитаначалар юқори миқдорини статистик ишонарли камайтирди ($p < 001$).

5. Проантацианидин ва карсил препаратларини алкогольли заҳарланишда қўллаш бош мия ва жигарда МДА миқдорининг камайишига ва каталаза ферменти фаоллигининг ортишига олиб келди, хусусан проантацианидин қўлланганда МДА миқдори бош мия ва жигарда 1,39 ва 4,0 мартаба камайди, каталаза фаоллиги эса 1,54 ва 1,14 мартаба ортди, карсил препарати қўлланганда МДА миқдори 1,37 ва 3,75 мартаба камайди, каталаза фаоллиги 1,51 ва 1,08 мартаба ортди.

6. Сурункали этанол билан заҳарланишни проантацианидин ва карсил билан экспериментал даволаш метаболик бузилишларни коррекция қилади, хусусан, АлТ, АсТ, ИФ ва ГГТ ферментлари фаоллиги, билирубин, холестерин, глюкоза, умумий оқсил ва албумин миқдорини интакт гуруҳ кўрсаткичларига яқинлаштирди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.В.01.13 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БИОФИЗИКИ И
БИОХИМИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

АБДУЛЛАЕВА МАШХУРА ИКРОМЖОНОВНА

**НЕЙРОМЕДИАТОРНЫЕ СИСТЕМЫ ГОЛОВНОГО МОЗГА ПРИ
ОТРАВЛЕНИИ ЭТАНОЛОМ И ВОЗМОЖНОСТИ ИХ КОРРЕКЦИИ
ПРЕПАРАТОМ РАСТИТЕЛЬНОГО ПРОИСХОЖДЕНИЯ**

03.00.01 – Биохимия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ (PhD) ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2020

Тема диссертации (PhD) доктора философии по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.2.PhD/B177

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet».

Научный руководитель: **Иноятова Феруза Хидоятовна**
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Юлдашев Носир Мухамеджанович**
доктор биологических наук, профессор

Ибрагимов Зафар Зокиржонович
доктора философии по биологическим наукам

Ведущая организация: **Институт биоорганической химии АН РУз**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2020 года в «___» часов на заседании Научного Совета DSc.03/30.12.2019.B.01.13 при Институте биофизики и биохимии Национального университета Узбекистана (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, Университетская 174.(4 этаж здания химического факультета Национального университета Узбекистана) Тел.: (99871) 246-68-96.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института биофизики и биохимии Национального Университета Узбекистана (регистрационный номер №___). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, Университетская 174.Тел.: (99871) 246-68-96, e-mail: asrarov54@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2020 года.
(Реестр протокола рассылки №___ от «___» _____ 2020 года).

Сабиров Равшан Заирович
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., академик

Асраров Музаффар Исламович
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., профессор

Кадирова Дилбар Абдуллаевна
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученой степени, д.б.н., профессор.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Человечество в течение тысячелетий принимает алкоголь и к настоящему времени алкоголь является одним из самых распространенных и часто используемых психоактивных соединений. Согласно данным ВОЗ, алкоголизм диагностирован у многих больных, согласно прогнозам число алкогользависимых людей ещё может возрасти. К настоящему времени распространенность алкоголизма приобретает глобальные масштабы и является одним из актуальных социальных проблем, имеет важное медицинское значение, отмечается увеличение заболеваний, связанные с алкоголизмом. По социально-экономическим последствиям они занимают первое место. В связи с этим важное научно-практическое значение имеет изучение молекулярно-клеточных механизмов токсического действия хронического употребления алкоголя на организм и создание лекарственных средств, снижающих его токсическое действие.

В мировом масштабе большое внимание уделяется научным исследованиям по ранней диагностике алкогольной зависимости, повреждения головного мозга и других органов и систем организма, совершенствованию тактики лечения токсического действия алкоголя, разработке методов фармакологической коррекции биологически активными соединениями, выделенными из растений, внедрение их в клиническую практику. Изучаются негативные последствия нарушений нейромедиаторной системы и интенсификации нейроиммунных процессов при воздействии этанола. Доказана важная роль печени в повреждении функций головного мозга, поэтому коррекция структурно-функциональных нарушений печени позволяет существенно уменьшить токсическое действие этанола, в связи с этим проводятся научные исследования по созданию безопасных лекарственных форм из растений, обладающих как гепатопротекторным, так и нейропротекторными свойствами для лечения алкогольных поражений печени и мозга, внедрения их в клиническую практику. Изучение их молекулярных механизмов и внедрение в клиническую практику является одной из наиболее актуальных задач.

В нашей стране за годы независимости осуществлены широкомасштабные мероприятия по обеспечению населения дешевыми высококачественными, импортозамещающими лекарственными препаратами на основе местного сырья. В 4-ом направлении «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» определены важные задачи по «развитию фармацевтической промышленности, а также улучшение обеспечения населения и медицинских учреждений дешевыми, качественными лекарственными препаратами»¹ В частности, удовлетворить потребности населения фармацевтической продукцией путем создания новых

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». № УП-4947.

лекарственных препаратов из местного сырья, по активности не уступающих зарубежным аналогам.

